

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 23-oktabr, chorshanba № 81 (15719)

Navqiron avlod so'zi

## Интилган етади муродга

Болалигимдан онам менга бир сўзни кўп айтардилар: агар инсон сабрли бўлиб, интилишдан, ҳаракатдан тўхтамас, у, албатта, ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Бу сўзлар мени катта мақсадлар сари дадил қадам ташлашга туртки берди. Коллежни имтиёзли диплом билан тугатгач, университетга ҳужжатларимни топширдим. Уринишларим зое кетмади, талаба бўлдим. Юртимизда мен каби ёшларнинг пухта билим олиши, етук мутахассис бўлиб улғайиши учун барча шароитлар муҳайё. Бу эса, мени улкан марралар сари руҳлантиради. Воҳадаги энг катта олий таълим даргоҳида устозларим кўмагида пухта билим оляпман.

Вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Илмий изланишдаман. Устозларим кўмагида олган билимларимни амалиётда қўллаш учун университетни тугатишни кутиб ўтирмадим. «Мақтаб-гача таълим муассасаларида миллий ва ҳаракатли ўйинларни ўтказиш» номли ўқув қўлланмасини ёзиб, уни Термиздаги 12-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида татбиқ этдим. Ана шу қўлланмани ёзиш жараёнида миллий-маданий меросимизнинг намуналари билан яқиндан танишдим. Халқимизнинг бой маданияти, қадриятлари замирида улкан маъно-мазмун ётганини англадим. Бизга оддийгина кўринган ҳаракатли ўйинлар замирида жуда катта маъно мужассам экан. Миллий ва ҳаракатли ўйинлар нафақат болаларни жисмонан чиниктиради, балки уларни зукко, топқир ва тетик бўлиб улғайишига ёрдам беради. Болаларнинг қомати расо, эгилувчан бўлиши уларнинг саломатлигини ифодалайди.


Яқинда яна бир қўлланмани ёзиб тугатдим. «Она тили дарсларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш» номли ушбу қўлланма бошланғич синф ўқитувчиларига мўлжалланган.

Илмий изланиш жараёнида тушуниб етдимки, педагог, энг аввало, ўзи чуқур билимга эга, яхши тарбия кўрган бўлиши керак экан. Агар ўқитувчи ўқувчисини ўз ортидан эргаштиролмас, фанга қизиқтиролмас, натижага эришолмайди. Ёш авлод тақдирига масъулликни мустаҳкам билим ва юқори салоҳият билан янада тўлдириб бориш мақсадимдир.

Педагог қаерда бўлмасин, ўз устида тинимсиз ишласа, меҳнати уни юксак чўққиларга олиб чиқади. Буни тенгдошларимнинг дунё миқёсида, мамлакат миқёсида эришаётган ғалабалари мисолида кўриш мумкин. Жорий йил мен учун ютуқларга бой бўлди. Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлганим мени янада каттароқ марралар сари илҳомлантирмоқда. Илмий изланишларимни янада бойитиб, юртим равнақиға ҳисса қўшмоқчиман.

Бадий ижод билан шуғулланаман. Жорий йилда «Келажак овози» танловининг вилоят босқичида публицистика йўналишида ғолиб бўлдим. Энди эса, республика босқичига қизгин ҳозирлик кўряпман. Вилоятимиз ёшларининг интилишлари, иқтидор ва салоҳиятини ушбу танловда ҳам намойиш этиш ниятидаман.

**Нигора НОРМУРОВОВА,**  
Термиз давлат университети талабаси,  
Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби



## Istiqlol farzandlari



Сардор Муллахонов фотокollekxи

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2013 йил 22 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда 2013 йил 18 январда республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, энг аввало ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланишни жадаллаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт ва

коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳисобига иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий тармоқлари ва соҳалари фаолиятини диверсифика-

циялаш, шунингдек, аҳоли бандлигини, ҳаёти даражаси ва сифатини изчил ошириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики,

жаҳон иқтисодийётида муаммолар кучайганлигига ва унинг ўсиш суръатлари секинлашганлигига қарамай, мамлакатни иқтисодий ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастури тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини сақлаш таъминланмоқда.

(Давоми 2-бетда)



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми, боши 1-бетда)

Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари — 9,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари — 15,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари — 6,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмлари — 14,7 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажмлари — 12,4 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдоридagi профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестиция сиёсати фаол амалга оширилиши инвестиция муҳитини такомиллаштириш чора-тадбирлари билан биргаликда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 12,5 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестицияларнинг — 12,4 фоизга ўсишига кўмаклашди. 2,2 мингта янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди, 60 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқиш ҳажмларининг ҳисоблаб чиқилган экспортнинг ўрнини босиш самараси 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 39,7 фоизга ўсиши таъминланди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолияти йўлидаги маъмурий тўсиқларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш йил бошидан буён 21,2 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга, кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 15,2 фоизга ўстиришга ва ушбу секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 51,2 фоизгача кўпайтиришга кўмаклашди.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ишини яхшилаш бўйича «Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирларини фаол амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди. Дастур тадбирларини молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 5,6 триллион сўмга яқин маблағ ва 250 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Мажлисда 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга ошири-

лишининг бориши муҳим устувор вазифа сифатида батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2013 йилнинг ўтган 9 ойида 833,4 мингта янги иш ўринларини ташкил этиш таъминланди, улардан 488 мингтадан ортиғи ёки 58,6 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Муҳокама давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишда йўл кўйган камчиликлари учун республиканинг бир қатор туманлари ҳокимларининг фаолияти қаттиқ танқидий муҳокама қилинди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, тижорат банклари, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари олдида аҳоли бандлигини таъминлаш ва кўшимча янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди. Бунда етакчи тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобига замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва янги иш ўринлари яратиш учун инвестицияларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2022-сон қарорига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини рағбатлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ишларининг ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги

рақобатбардошлигини ошириш юзасидан амалга оширилётган тизимли чора-тадбирлар туфайли, экспорт қилинадиган маҳаллий маҳсулотларнинг асосий турларига нархлар ноҳуш ўзгариб туришига қарамай, шу йилнинг ўтган 9 ойида экспорт ҳажми 13 фоизга ўсганлиги ва ташқи савдо айланмасининг катта ижобий сальдоси таъминланганлиги қайд этилди. Йил бошидан бошлаб олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 469 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди. Экспортнинг умумий ҳажмида минтақавий корхоналарнинг улуши икки мартага кўпайиши таъминланди. Экспортнинг умумий ҳажмида кичик бизнеснинг роли ва аҳамияти барқарор ўсиб бормоқда. Унинг улуши 2012 йилнинг шу давридаги 13,5 % ўрнига 19,1 фоизгача ўсди.

Хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарларининг эътибори ишлаб чиқариш ҳажмини ва экспортга етказиб бериладиган маҳсулот турларини кенгайтиришнинг мавжуд захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш ишларини кучайтириш зарурлигига қаратилди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш ва тўлиқ фаолият юритишини жадаллаштириш топширилди.

Мажлисда келгуси йилларда қурилишнинг ўсиб бораётган ҳажмини таъминлаш учун пудрат қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ҳар томонлама кўриб чиқиш ва батафсил таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш, намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши туфайли кейинги йилларда қурилиш ишлари ҳажми жадал ўсиши таъминланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,2 фоизга кўпайди.

«Давархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига вилоятларда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг молиявий ҳолатини ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун республика Ҳукуматига киритиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига Молия вазирлиги билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш асосида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини аниқ нормативларини ишлаб чиққан ҳолда қишлоқда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисидида вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқлари, турар жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати, шунингдек, 2013-2014 йиллар куз-қиш даврига мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ғамлаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, «Ўзбекқўмир» акциядорлик жамияти, шунингдек, бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва турар жой фонди объектлари 2013-2014 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатишини, шу жумладан, газ-транспорт ва энергия таъминоти объектларининг барқарор ишлашини, табиий газ, кўмир ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни тугаллашни тезлаштириш, шунинг-

дек, ички бозорда улар нархининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймасдан аҳоли эҳтиёжини барқарор ва ишончли қондириш учун куз-қиш даврида сақлашга қўйилган захиранинг савдога тизимли қўйилишини таъминлаш топширилди.

Мажлисда йиғим-терим бўйича қишлоқ хўжалиги ишларини тугаллаш, кузги бошоқли дон экинларини ўстириш ва кейинги йил ҳосили учун комплекс агротехника тадбирларини амалга ошириш ишларининг ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилда сув билан боғлиқ шароитлар жуда мураккаб бўлганлигига қарамай, агротехника тадбирларининг барча мажмуини ўз вақтида ўтказиш, сугорма сувдан оқилонга фойдаланиш ҳамда қишлоқ меҳнатчиларининг омилкорлиги жорий йилнинг 1 октябрга 1,97 миллион тонна пахта хомашёсини етиштириш ва йиғиб олиш имконини берди, 21 октябрга келиб эса — пахта хомашёси бўйича давлат буюртмаси прогнози жарийлиши таъминланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли хўжалик бирлашмаларига пахта ҳосилини йиғиштириб олишни жадаллаштириш, кузги шудгорлаш, кузги бошоқли дон экинлари экиш ва уларни ўз вақтида сугориш, шунингдек, шўрланган ерларни ювиш, коллектор-дренаж ва сугориш тизимларини тозалаш, гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш тадбирларини амалга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республикадаги йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга ва келгуси йилда республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратишга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланди.



## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш — миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришнинг муҳим шarti» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов ва бошқалар мамлакатимизда истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга доир кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлади. Ахборот эркинлиги, ахборот-ни олиш кафолатларига таал-

луқли қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, такомиллаштирилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам соҳани янада ислох қилиш вазифалари белгиланган.

Демократик талаб ва мезонларга мос амалдаги миллий қонунчилигимиз ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш, бозор механизmlарини жорий этиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда юқори малакали журналист кадрлар тайёрлаш бўйича узок муддатли лойиҳаларни амалга оширишни таъминлаётди. Буларнинг барчаси медиа-соҳани изчил ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари, айниқса, нодавлат оммавий ахборот воситалари сонининг кўпайишига ёрдам бермоқда. Масалан, бугунги кунда рўйхатга олинган миллий оммавий ахборот воситалари сони 1360 дан ошди, уларнинг 62 фоизини эса нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил қилади. Айниқса, ҳудудий оммавий ахборот воситалари сони 2000-2013 йилларда икки баробардан зиёд кўпайди.

Фуқаролик жамияти институтлари ахборот соҳасини демократлаштиришга доир долзарб вазифаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда. Уларнинг фаолияти оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш бўйича муҳим масалаларни ҳал этиш, фуқароларнинг демократик ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

Семинарда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашдаги иштирокини таъминлаш, медиа-соҳа вакиллари ижтимоий фаолигини кучайтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Бу борадаги ишларда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, шу йилнинг тўққиз ойида фонд томонидан журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларини фаоллаштиришга қаратилган саксондан зиёд семинар-тренинг, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

Тадбир қатнашчилари оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида уларнинг ролини кучайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни ҳам батафсил муҳокама қилди. Хусусан, айни пайтда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ҳуқуқий таҳрибага алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур жараён давомида журналистлар ва давлат органлари ахборот хизмати ходимларининг фаоллиги ошгани қайд этилди. Бу эса, ўз навбатида, бундай самарали ҳуқуқий механизмнинг жорий этилиши оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Шунингдек, ахборот соҳасидаги муносабатларни тубдан ўзгартириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ёрдам бераётди.

Семинар якунида ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларининг 24 таҳририятига замонавий техника воситаларини олиш учун сертификатлар топширилди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**  
ЎЗА мухбири

Ma'naviyat

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига «Тил — миллат кўзгуси» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу тадбир университет ва «Миллий тикланиш» демократик партияси Чилонзор тумани кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

## Миллатнинг бебаҳо бойлиги

Унда партия вакиллари, фаоллари ва ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тил миллатнинг бебаҳо мулки, буюк қадрияти экани, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўзи хурмат-эҳтиром қиладиган тилга эга бўлиши, тилга бўлган муносабат шу тилдан фойдаланувчи одамларнинг кўп ёки озлигига боғлиқ эмаслигини таъкидлашди.

— Инсон тугилиб, вояга етар экан, у она тили, она Ватан, она замин каби қадриятларни шу тил воситасида аниқлайди ва ҳис қилади, — деди тадбирда сўз олган Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Мухайё Саидкаримова. — Шунинг замирида унинг ақл-идроки, тафаккури, ватанпарварлик туйғуси шаклланиб боради.

Тадбирда она тилимизнинг кенг имкониятлари, уни қадрлаш, софлигини сақлаш борасида мулоҳазалар билдирилди.

**Махсума ОКҚЎЗИЕВА,**  
ЎЗДЖТУ талабаси

Hududiy kengashlarda

Қарши шаҳридаги умумтаълим мактабларида «Ёшлар чекишга қарши» лойиҳаси доирасида мини-сессиялар ўтказилмоқда. Ўқувларда ҳар бир мактабдан йигирма нафар энг фаол ўқувчилар қамраб олинмоқда.

## Янги лойиҳа: чекишга қаршимиз!

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси ва вилоят наркологи диспансери, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва халқ таълими бошқармалари ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур лойиҳадаги мини-сессияларда интерфаол усуллардан фойдаланилмоқда.

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини тарғиб қилишни кўзлаган мазкур лойиҳанинг давоми вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида, олий таълим муассасаларида ҳамда маҳаллаларда ўтказилиши режалаштирилган.

**Баҳодир ЮСУПОВ,**  
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот хизмати мутахассиси

## Янги авлоднинг янги овози

Самарқанд шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Бу йил ўн ёшга тўлган ушбу танловда олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ижодкор ва иқтидорли болалар иштирок этди.



Йилдан йилга «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида қатнашиш истагини билдирганлар сони ортиб борапти. Бу йилги танловда Самарқанд шаҳри бўйича саккиз юздан зиёд аризалар қабул қилинди.

Танловнинг классика, вокал, миллий чолғу асбоблари йўналишларидаги баҳслар ниҳоятда қизгин кечди. Уларнинг маҳоратларини малакали ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолаб боришди.

— Танловда иштирок этаётган болаларнинг миллий қўшиқларимизни моҳирлик билан қўйлашини кўриб қойил қолдим. Ушбу танлов орқали ўсиб келаётган ёш авлодга миллий санъатимизни ўргатиш ва унинг барҳаётлигини таъминлашга катта шароит яратилади, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Озода Мухамматова.

Танловнинг барча шартлари бўйича энг яхши деб топилган йигирма беш нафар иқтидор эгаси вилоят босқичида қатнашадиган бўлди.

**Рустам ҚОБИЛОВ**



# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЎЗАГИ

**Мамлакатимизда давлат органлари фаолиятига оид ахборотларнинг ошкоралигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган, шу асосда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва интернет тармоғидаги веб-сайтлари яратилган ва улар томонидан интерфаол давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Айтиш мумкин бу борада қилинган ишларни янада жадаллаштириб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди.**

Президентимизнинг ташаббуси билан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқ ҳокимиятичилиги ғоялари, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъуллиги, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаши, олиши ва уни тарқатиши ҳуқуқига эгаллиги, фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиш бериши лозимлиги ҳусусидаги нормалар янада ривожлантирилди. Бундан ташқари, янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Франция каби йигирмадан ортиқ ривожланган давлатларнинг ахборот соҳаси ва давлат органлари фаолиятига тааллуқли ахборотлардан фойдаланишга оид элликка яқин қонун ҳужжатлари, ўнга яқин халқаро ҳужжатлар ўрганилиб, таҳлил қилинди, улардаги энг мақбул ғоялар ва нормалардан фойдаланилди.

Жаҳон ҳуқуқ тажрибасидан маълумки, муайян қонун лойиҳасининг сифатли ва халқчиллигини амалиётда баҳолаш мақсадида маълум бир ҳудуд миқёсида ҳуқуқий эксперимент ўтказилади. Жорий йил-

да бундай тажриба мамлакатимизда илк мартаба қўлланилди. Ҳуқуқий эксперимент Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги фармойиши асосида амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш учун Бухоро ва Самарқанд вилоятларида фаолият юритувчи 180 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи танланиб, у жорий йилнинг декабрига қадар давом этади.

Тажриба жараёнида янги қонун лойиҳаси нормалари талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий эксперимент субъектларида ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратиш кескин кучайди, давлат органларининг интернетдаги веб-ресурсларининг сони ортди, шу билан бирга, сайтларнинг мазмуни яхшиланди, давлат тузилмаларининг ўз фаолиятига оид қарорлар ва ахборотлар билан жамоатчиликни хабардор қилиш ишларида сезиларли жонланиш ҳам кузатилмоқда.

Қонун лойиҳасининг 14-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коллегиял кенгашлари очиқ ўтказилиши, бунда ахборотдан фойдаланувчиларнинг, шу-

нингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакилларининг иштирок этишлари белгиланган. Ушбу норма шу пайтгача фақат Бухоро шаҳар ҳокимлиги томонидан синовдан ўтказилди. Жумладан, халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгашининг август ойида ўтказилган сессиясида фуқаролар ва маҳалла вакиллари жалб қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, айрим жойларда «ҳоким соати», «фаоллар йиғилиши», ҳокимнинг аҳоли билан учрашувлари ҳам очиқ коллегиял кенгаш сифатида қабул қилиниб, бундай йиғилишларнинг ўтказилиши норма синови, дея тушунилмақда. Мамлакатимиз Конституциясига асосан, ҳокимлар ўз ваколатларини яқкабошчилик асосларида амалга оширади. Шундай экан, у раҳбарлик қилаётган ижроия орган мажлислари коллегиял кенгашлар бўла олмайди. Ҳоким раҳбарлик қиладиган халқ депутатлари кенгашларининг сессияси, кенгаш қошидаги доимий комиссиялар йиғилишлари норма талаби асосида коллегиял кенгашлар деб ҳисобланиши мумкин. Чунки уларда қарорлар овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Бу экспериментнинг ижобий натижасидир. Модомики, қонун лойиҳасидаги 14-модда кучга кирган тақдирда, жойларда турли хил ёндашувларга йўл қўйилар ва қийинчиликлар юзага келар эди. Эксперимент давомида ушбу камчилик аён бўлди ҳамда қайси жиҳатларига аниқлик киритиб, такомиллаштириш кераклиги ойдинлашди. Демак, норма синови шуни кўрсатяптики, «коллегиял кенгашлар»нинг ҳуқуқий мақоми ва уни ўтказувчи органлар, фойдаланувчиларнинг ваколатлари қонунда аниқ қилиб белгиланиши лозим.

Шунингдек, 14-моддада айтилишича, давлат органларининг коллегиял кенгашларида барча фойдаланувчилар қатнашиши мумкин. Фойдаланувчиларга юридик ва жисмоний

шахслар киради. Қуйи давлат органи йиғилишида юқори давлат органи вакили қатнашган тақдирда давлат назоратини амалга ошириш имкони мавжуд. Эксперимент давомида давлат ҳокимияти органларининг очиқ коллегиял кенгашларига фақат фуқаролар ҳамда нодавлат ташкилотлар (сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, маҳалла, ёшлар ташкилоти, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари) вакиллари регламент асосида қатнашиши ҳақида таклиф билдирилди.

Қонун лойиҳасининг 15-моддасида фойдаланувчи ахборот олиш мақсадида сўров билан давлат органига мурожаат қилишига оид ҳуқуқи ва жавоб бериш муддатлари белгиланган. Иккала вилоятнинг кўпгина субъектларида, айниқса, экспериментнинг дастлабки кунларида, сўров билан шикоятларни аралаштириб рўйхат юритилаётгани маълум бўлди. Фақатгина Самарқанд тумани ҳокимлигида сўровларни рўйхатга олишда норма талабларидан келиб чиқиб тўғри ёндашилмоқда. Сўровларга жавоблар бир ҳафтадан ошмаган муддатда берилмоқда. Эксперимент нормасида эса ушбу муддат ўн беш кундан кечиктирилмаслиги белгиланган.

Кўриб чиқилаётган моддада оммавий ахборот воситаларининг давлат органига ахборот олиш ёки мансабдор шахсдан интервью олиш учун сўров йўллаш ҳуқуқи, бу сўровларга жавоб бериш муддатлари кўрсатилган. Унда айтилишича, ОАВ таҳририяти томонидан давлат органига юборилган сўров етти иш кунидан кечиктирилмай кўриб чиқилиши керак. Аммо экспериментда қатнашаётган кўпгина ОАВ вакилларининг фикрича, бу муддат уч иш кунидан ошмагани маъқул.

Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усулларида бири сифатида ахбо-

ротни ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўладиган хоналарда ва жойларда жойлаштириш назарда тутилмоқда. Хоналар деганда давлат органи биносидаги хоналарни тушунаминиз. Аммо «жойларда» сўзининг талқини бироз баҳслидир. Жой деганда нафақат бино ичидаги, балки туман ва шаҳардаги ҳар қандай манзил (ҳудуд)ни тушуниш мумкин. Агар туман ҳокимияти фаолияти ҳақидаги ахборот ташқи конструкциялар ёрдамида одамлар гавжум бўладиган жойларда, бир неча ҳудудда жойлаштирилса, бу бюджетдан ортиқча сарф-харажатни талаб этиши турган гап. Қолаверса, ахборотлар жойлаштирилмаган ташқи конструкциялар ёритилиши ва қўриқлаши керак. Бундай конструкцияга талаб қай даражада бўлади ўзи? Ахир, ахборот-коммуникация технологиялари тараққий этган бугунги даврда ахборот фойдаланувчилари, айниқса, ёшлар ўзларига керакли маълумотни интернетдан осонликча излаб топиши барчамизга аён.

Мамлакатимизда «Электрон ҳуқумат» тизими ишга туширилгани ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ахборот тизимлари унинг бир бўлаги эканини инobatга олсак, давлат органларининг интернетдаги веб-сайтларини мунтазам юритиш ва янгилаб бориш иқтисодий жиҳатдан оптимал, технологик жиҳатдан қулай усул ҳисобланади. Қолаверса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий эксперимент оддий амалиёт эмас, унинг ўзига яраша мураккаб томонлари бор. Бирок шу аснода кўплаб назарий ва амалий хулосалар чиқариш, тажриба тўплаш, келгусидаги бошқа экспериментларни оптималлаштириш учун конструктив механизмлар яратиш имкони туғилади.

**Фахриддин СОЛИЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

## САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтадиган сайловларга қизғин тайёргарлик бормоқда. Бухоро вилоятида «Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида ўтказилаётган семинарларда сайловни юқори савияда ўтказиш ва ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда. Бундай тадбирларда иштирокчиларга сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, кўмаклашувчи гуруҳларнинг вазифалари, сайловни ўтказиш тартиблари ҳусусида атрофлича маълумот берилмоқда.

Ана шундай семинарлардан бири Қоракўл туманидаги «Қозон» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Унда туманда келгуси йилларда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар ҳақида сўз юритилди. Айниқса, 2014 йилга мўлжалланган туманни ижтимоий-иқтисодий ривож-

лантириш дастурига тумандаги уч километрли йўл қурилиши киритилгани маҳалла аҳли томонидан қувонч билан кутиб олинди. Ўз ўрнида фуқаролар ҳам маҳалла гузарларида маиший хизмат шохобчалари, маданий ҳордиқ масканларининг барпо этилишига доир ўз таклифла-

рини билдиришди.

— Фуқароларнинг талабларига кўра, маҳаллада янги иш ўринларини яратиш мақсадида маҳаллий тадбиркорлар жалб этилиб, ҳудуддаги фойдаланилмай турган биноларда пойафзал тикиш ҳамда тикув цехлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу ор-

қали ўн беш нафар киши иш билан таъминланди, — дейди «Қозон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мурод Бехбудов.

«Қозон» қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшларни муносиб тарбиялаш, мактаб ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, касбуна қўллаш битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари назоратга олинган. Коллеж битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш мақсадида ҳар бир битирувчи ва иш берувчи корхоналар ўртасида шартномалар тузилган. Ўз навбатида, бу саъй-ҳаракатларнинг қоғозда қолиб кетмаслиги учун комиссия аъзолари муносиб ҳисса қўшяпти.

**Лайло ҲАЙИТОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

Mahalla va yoshlar



## Ta'limda IT

## «TALABA-S» —

## бу ҳақда нималар биласиз?

Ўртоғим Гулноза Ўзбекистон Миллий университетида ўқийди. Ҳеч дарс қолдирмайди. Қачон қарамай, қўлидан китоб-дафтар тушмайди. Баъзан, юр-чи, бироз кўнгил ёзиб, айланайлик, десам, «йўқ» дейди қатъий. Ўша куни ҳам шундай бўлди. У билан кўчада учрашиб қолдик. Гап орасида у:

— «Talaba-S»да яхши кўрсаткичга эга бўлмасам бўлмайди. Аяжоним кўради-я, — деди.

— «Талаба-эс» дедингми, нима у?!

— «Talaba-S» бу...

Бахтга қарши шу пайт унинг телефони жиринглаб қолди-ю, менга изоҳ беришга улгурмасдан, шошганча университетга кетди.

— Кечирасан, дугонам чақириб қолди, дарсга улгурмасак бўлмайди. «Talaba-S» ҳақида кейин сўзлаб бераман...

Тўғриси, ўшанда «Talaba-S» нималигини билмасдим. Ўзимча уни «зачётка» деб ўйлаганман. Яқинда Гулноза ваъдасига биноан «Talaba-S» ҳақида гапириб берди. Англадимки, аслида, «Talaba-S» деганлари «зачётка» эмас, университет локал тармоғи, «Client server» дастуридаги тизим экан. У ўқув ва молия жараёнига тегишли бир неча масалалар — талаба анкетаси, контингенти, даволат, ўзлаштириш кўрсаткичи, стипендия буйруқлари ва дарс жадваллари ҳақида оператив маълумот беради. Ўқув-маъмурий жараёндаги соатлик, кунлик, ҳаттоки, ҳафталик ишларни унинг ёрдамида атиги бир неча дақиқада бажариш мумкин... Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгилик дегани шу бўлса керак.

Дугонамдан олган маълумотларимни янада бойитиш фикри туғилди ва эшитмаганимни эшитиш, кўрмаганимни ўз кўзим билан кўриш, қолаверса, билганларимни сиз, тенгдошларимизга-да илиниш мақсадида Ўзбекистон Миллий университетига йўл олдим.

— Олдинлари талабанинг ўзлаштириши, даволати, стипендияга оид ҳисоб-китобларни калькуляторда бажарардик. Энди эса «Talaba-S» ишимизни анча енгиллаштирамоқда. Негаки, тизим талабалар даволати, ўзлаштириши бўйича маълумотлар базаси вази фасини бажараяпти. Бу механика-математика факультети катта ўқитувчиси Султонназар Гайназаровнинг кашфиёти, — дейди университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Баҳодир Шойимқулов. Шундай дея у мени Ахборот технологиялар марказига бошлади. У ерда марказ ходими Учқун Одамбоевни учратдик. Учқун ака талабаларнинг ўша кунги даволати ҳақидаги маълумотни «Talaba-S»га киритаётган экан.

— Тизимни яхшилаб тушунтиринг, — дея Баҳодир ака ишига шошилиб чиқиб кетди. Учқун акани озгина кутишимга тўғри келди. — Ҳозир тугатаман, деди у компьютердан кўзини узмасдан. Унгача бемалол марказимиз билан танишиб чиқишимиз мумкин...

Ёруғ хона, расмли девор ва қатор тизилган компьютерлар...

— Учқун ака, барибир қизиқ-да, — дея охири, чидолмай гап бошлади. — Наҳотки, шу «Talaba-S» ти-

зими бутун университет ҳужжатларининг базаси бўлса? Ишониш жуда қийин-ку.

Учқун ака самимий жилмайди.

— Шундай, синглим. У чинакамига имкониятлар базаси. 2002 йилда яратилган тизим бошқарув ишида хулосалар чиқариш, факультетлар ва бутун университетнинг ўқув жараёни тўғрисида маълумот беради. Унда ўқитувчи, талабанинг шахсий анкетасидан тортиб, ўзлаштириши, даволати, дарс жадвали, маош, стипендиялар ҳақида барча зарур ахборотлар бор.

Учқун Одамбоев «Talaba-S» ҳақида, унинг афзалликлари, имкониятлари тўғрисида мазза қилиб, тўлқинланиб гапирди. Менда эса қизиқишдан саволлар туғилаверди:

— «Talaba-S» дегани тизимли, тўлиқ маълумотнома. Демак, ундан ҳамма бирдек фойдалана олади, шундайми? Аммо «Talaba-S» бедарвоза эмас-ку. Наҳотки, ундан ҳамма — яхши ёмон ниятли кишилар бирдек фойдалана олса?

Учқун Одамбоев жавоб беришга шошилмас, компьютердан ниманидир қидирарди. Кўп ўтмай, у излаган нарсасини топди, шекилли, мана кўринг, дея мониторда кўринган тизимга ишора қилди.




— «Talaba-S» қулфланган. Унинг калит сўзлари фақатгина фойдаланиш имконияти берилганларда бўлади. Улар ректор, декан, декан ўринбосари, ҳисобчи, методист, лаборантлар бўлиши мумкин. Негаки, улар тизимга доимий мурожаат қилишади, янги маълумотлар киритади, чоп этади...

Тўғриси, кўп фан-техника мўъжизаларини эшитган, кўрган бўлсак-да, университет ҳужжат ишларини автомат тарзда бажарадиган бунақа тизимни учратмагандик. Шунинг учун бўлса керак, бу бизга анча қизиқ туюлди.

— Ажойиб, — дедим.

Учқун ака тизимнинг асосий менюсини кўрсатди.



— Кўрдингиз-а? Унда ўқитувчи, талаба, дарс жадвали, ўзлаштириш, университет ҳисоботи, стипендия, даволатлар жойлаштирилган. Масалан, мен биронта талаба ҳақида маълумот олмоқчи бўлсам, бўлимга мурожаат қиламан. Шундай қилиб, у ҳақидаги барча ахборотга эга бўламан...

Маълум бўлдики, «Talaba-S» ишда фойдали ҳамда ишончли, талабаларнинг фанлардан яхши ўзлаштиришида ҳам ижобий таъсир кўрсатар экан. Гулнозанинг нуқул: «Баҳоларимни аяжоним кўради» дейишининг сабабини энди яхшироқ тушундим. Учқун Одамбоевнинг айтишича, тизимнинг «Талаба кўрсаткичи» бўлими университетнинг www.nuu.uz сайтига боғланган. Унга ота-оналар фарзандларининг паспорт серияси ва рақами билан кириши мумкин. Ҳозир тизимга 225 нафар ота-она кирибди.

Худди шу пайт телефон жиринглади-ю, инсон ақли билан яратилган оддийгина симларда келган хабар бизни катта мажлислар залига чорлади. Учқун аканинг ишлари яна кейинга сурилди. У ерда «Talaba-S»нинг ҳисобот йиғилиши бўлаётган экан.

— Ана, қаранг, гапирётган киши «Talaba-S» гоёси муаллифи Султонназар Гайназаров бўлади. У тизимдаги қидириш дастурлари ҳақида тақдимот ўтказаяпти. Эшитинг-чи, — деди Учқун ака.

Султонназар Гайназаров тақдимотини кузатамиз. Ундан англашилаптики, қидириш дастурига сўров орқали мурожаат қилинади. Мисол учун, сиз қашқадарёлик ёки наманганлик талаба танишингизни топмоқчи бўлсангиз, белгиланган каттачаларни тўлдирасиз. Ўшанда тизим сизга талабалар рўйхатини тақдим этади. Агар бирорта талаба фамилиясини белгиласангиз, у ҳақидаги тўлиқ маълумотлар чиқиб келади.

— «Talaba-S» ҳар куни янгиланади. Ўша маълумотларни чоп қилиш, ўзгартириш киритиш имконияти ҳам мавжуд... Ҳозир «Talaba-S»даги талабанинг ўзлаштириши ҳамда даволати ҳақидаги маълумотларни ота-оналарнинг телефон рақамига уламоқчимиз. «Talaba-S»нинг қошига «Contract-S» ҳам қўшилди. У маркетинг ишларини енгиллаштиради. Талабанинг ўқиш шартномаси билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Тизимга киритилган маълумотлар ўзгартирилса, бошқарув серверига буйруқ ва маълумот боради. Шунинг учун бунда баҳо ўзгартириш, дарсга келмаган талабани келди, деганга ўхшаш ёлғон маълумотларни киритиш ҳолатлари учрамайди. Ушбу тизимни бошқа олий таълим муассасаларида ҳам жорий этиш мумкин, — дейди тақдимотда Султонназар Гайназаров.

«Talaba-S»нинг афзалликлари бафуржа тушунтирилди, таклифлар билдирилди. Саволларга жавоб берилди. Шунда ёнимдаги иккита талабанинг пичир-пичири қулоққа чалинди.

— Энди яхшироқ ўқимасак бўлмайди, — деди жингалак сочли қиз.

— Тўғри айтасан, — деди дугонаси. — Агар ойи-жоним тўрт олишимни билса борми...

Самимий суҳбатга мен ҳам аралашгим келди-ю, йиғилиш тугаб, яна Учқун акага эргашдим.

— Аслида, «Talaba-S»нинг яратилиш тарихи бор, — деди муҳим, шу билан бирга сирли гап айтмоқчидек шивирлаб Учқун Одамбоев. — У пайтлар Султонназар ака университетнинг Ахборот технологиялар марказида ишлаган. Ҳисоб-китоблардан роса чарчаган. Бир рейтинг дафтарчаси, бир даволат, яна дарслар сони... Осон эмас-да! Бир ой ҳамма ишини йиғиштириб, фақат «Talaba-S» ҳақида ўйлаган, лойиҳа ишлаб чиққан. Раҳбариятга ҳужжатларни эмас, ўз вақтида шу лойиҳани топширган ва вазиятдан чиқиб кетган...

Кулишдик. Марказга бориб, тизимдаги дарс жадвали, рейтинг қайдномаси билан танишдик.

Ўзбекистон Миллий университетидан бир олам таассурот билан қайтаётиб, йўлимда учраган бирикки нафар талаба тенгдошимиздан «Talaba-S» ҳақида нималар билишини сўрадим.

Университетнинг журналистика факультети талабалари Феруза Жўраева, Мўътабар Обиджонова бу ҳақда кўп нарсга билишар экан.

— Очиғини айтсам, бу ҳақда биринчи бор эшитганимда, бу қандайдир, талабаларни «тутиш»га мўлжалланган «қармоқ» бўлса керак, деб ўйлагандим, — дейди Феруза. — Кейин билдимки, бу биз, талабаларнинг бор эътиборимизни ўқишга, илм олишга қаратишимиз учун муҳим чора-тадбир экан. Бугун талабалик ҳаётимни «Talaba-S»сиз тасаввур этолмайман.

Дарвоқе, шундан сўнг ўртоғим Гулнозани ҳадеб чалғитавермайдиган бўлдим. Негаки, энди «Talaba-S»ни, Гулнозанинг тинмай ўқиши сабабини яхшигина биламан.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,  
«Turkiston» мухбири



# Миллий қадриятлар — мустаҳкам қўрғон

Ma'naviyat

**Пойтахтимиздаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабида Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан «Ёшлар оммавий маданиятга қарши» шиори остида ўтказилган ижтимоий акциянинг фаол иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда маънавият, маданият ва санъат намояндalари, таниқли ёзувчи, шоирлар, жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.**

«Ёшлар оммавий маданиятга қарши» лойиҳаси ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошланиб, Тошкент шаҳридаги барча мактаблар қамраб олинди. Мазкур лойиҳа доирасида оммавий маданиятнинг олдини олишга қаратилган йигирмадан зиёд давра суҳбати, йигирма бешта семинар-тре-

нинг, ўн битта ижтимоий акция ўтказилди. Уларда жами эллик минг нафардан ортиқ ёш қатнашди. Шунингдек, пойтахтимизнинг барча туманларида интернет-клуб ва компьютер ўйинлари клубларида рейдлар ташкил этилиб, натижалар бўйича тегишли хулосалар тайёрланди. Мингдан

зиёд тенгдошларимиз орасида «оммавий маданият» тушунчасига оид ижтимоий сўровлар ўтказилди. Ёшларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари таҳлил этилиб, улар тафаккурда оммавий маданиятга қарши мустаҳкам имунитетни шакллантиришга қаратилган танлов эълон қилинди. Мазкур танлов «Энг яхши миллий рақс», «Энг яхши миллий расм», «Энг яхши миллий кўшиқ», «Энг яхши миллий дизайн», «Энг яхши миллий хунармандчилик маҳсулоти», «Энг яхши миллий наср ёки назм ижод маҳсули», «Энг фаол китобхон ўқувчи» йўналишларида бўлиб ўтди.

— Мазкур лойиҳа синов тариқасида Тошкент шаҳрида ўтказилди. Натижа кутилгани-

дек муваффақиятли бўлди. Ўқувчи-ёшлар танловнинг барча йўналишларида тиришчилик билан иштирок этишди. Келгусида бу лойиҳани республика миқёсида ўтказиш ниятидамиз. Бу борада «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашидан таклифлар бўлди, — дейди Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси Отабек Бозоров. — Бу лойиҳадан кўзланган мақсад глобаллашув жараёнидаги турли маънавий таҳдид ва хуружларга қарши ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий имунитетини ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишига ҳисса қўшишдир.

Ғолибларни тақдирлашга бағишланган тадбирда Тош-

кент шаҳри туманларидан ҳар бир йўналиш бўйича икки нафардан фаол ўқувчи сараланиб, уларга махсус фахрий ёрлик, китоб ва ижтимоий акция шиори туширилган либослар тақдим этилди.

— «Энг яхши миллий кўшиқ» йўналиши бўйича тақдирландим, — дейди пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 293-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Захриддин Тўлқинов. — Тўрт йилдан буён мактабимизда ташкил этилган мусиқа тўғараги аъсосиман. Мумтоз ва эстрада кўшиқларини ижро этишга қизиқаман. Келажакда ўзига хос овоз ва маҳоратга эга санъаткор бўлмоқчиман.

Тадбирда «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва ёшларнинг сеvimли хонандалари ижросидаги Ватанни, эзгуликни тараннум этувчи куй-кўшиқлар тенгдошларимизга хушнудлик улашди.

**Хайриддин МУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**

Luqma

**Техника тараққий этган асрда яшаймиз. Деярли ҳар бир соҳа компьютерлаштирилган. Бу, албатта, ишимизни осонлаштираяпти. Айниқса, интернет тармоғидан фойдаланиш кишиларга янада кўпроқ қулайликлар яратмоқда.**

## Танишувнинг янги усулими?!

Таассуфки, бундай имконият ва қулайликлардан ҳамма ҳам оқилона фойдаланаётгани йўқ. Масалан, мулоқот воситаси сифатида яратилган ижтимоий тармоқлардан тўғри, одоб-ахлоқ доирасида фойдаланиш ўрнига, уни ўзи билмайдиган турфа кишилар билан танишиш воситаси қилиб олган, кўпроқ айтганда, бозорга айлантириб юборган тенгдошларимиз ҳам бор. Масалан, «Одноклассники» ижтимоий тармоғи фойдаланувчилари орасида шундайлар учрайди.

Тиқиланч автобусда борарканман, ўриндикда ўтирган ўттиз ёшлардаги аёлнинг планшетда мазкур ижтимоий тармоқдан фойдаланиб кетаётганига тасодифан кўзим тушиб қолди. Аслида бирорнинг ёзишмасига қараш айб бўлса ҳам, балки кўрганам яхшиликка бўлар, деган ниятда бироз кузатдим. «Мен сизни кечки соат етти яримда Муқимий театри олдида кутаман» деб ёзди унга кимдир. Аёлнинг жавоби шундай бўлди: «Мен сизга неча бор йўқ деб айтай, ахир?! Унаштирилганман, ҳадеб сўрайверсангиз, кўнгли бўшлиқ қилиб таклифингизни қабул қилиб юбораман».

Тўғриси, ёзишмага ортиқ қарагим келмай қолди, ўзим уялиб кетдим. Наҳотки, ўттиз ёшдан ошган, кўринишидан туппа-тузук, оилали, болачақали кўринган аёл шунча найранг қилаётган бўлса. Унаштирилганмиш-у, кўнгли бўшлиқ қилиб розилик бериб юбориши мумкин эмиш? Суф-ей сендай аёлга, дедим-у, манзилимга келганда тушиб қолдим.

Бу билан ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётган ҳамма одам шундай, одоб-ахлоқ чегарасини ҳамма топтаб ўтаяпти, демоқчи эмасман. Ҳолбуки, интернетнинг чексиз қулайликлари бор, уни тўғри қабул қилиш ва фойдаланиш мумкин. Ачинганим, унинг ана шу функциясини ёлғончилик, ҳийла-найранг, кимнидир лақиллатиш воситасига айлантириб қўяётганларнинг борлиги.

Савол туғилади: улар бу билан ўзларига ёмонлик қилишаётганини билишадими?

**Моҳинур БҮРИЕВА,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**

Iffixor

## Жаҳон кезаётган ўзбекча сўзлар

**Тараққиётга ҳамма замонларда кишиларнинг интеллект салоҳияти, янгиликка интилиши каби омиллар асосида эришилган. Тилнинг ривожланиши, бойиб бориши ҳам шу сабабларга бевосита боғлиқ жараёндр. Дейлик, кейинги икки аср ичида жаҳон тиллари техник тараққиёт маҳсули бўлган минглаб янги сўз ва атамалар билан бойиди. Демак, у табиий равишда ривожланди. Чунки тилнинг ривожига сунъий тўсиқ қўйиб бўлмайди.**

Тиллараро интеграция (сўзларнинг мослашиши, алмашиши, яқинлашиши) тилларнинг ривожланишига кенг йўл очади.

Тилнинг ривожига, бойишига барча соҳалар каби спорт ҳам жуда катта ҳисса қўшади. Масалан, ўзбек тили луғатидан ўрин олган футбол, волейбол, теннис, каратэ, таэквондо, самбо, гол, рефери, прессинг каби сўзлар аслида инглиз, корейс, япон, рус тилларидан ўзлашган. Улар нафақат ўзбек тили, балки кўплаб жаҳон тилларига ҳам ўзлашиб, уларнинг бойишига хизмат қилган.

Шу ўринда фахр билан айтишимиз мумкинки, дастлаб, ўзбек миллий ўйини ҳисобланган кураш кейинги йилларда кенг кулоч ёзиб, ўз кўламини кенгайтириб бормоқда. Сабаби ҳалоллик, мардлик, дўстлик ғоялари асосига қурилган бу спорт тури энди бор фазилати ва сифати билан бир миллат ёки халқ доирасидан чиқиб, миллатлар ва халқларнинг ҳам сеvimли спорт турига айланаяпти. Дунё халқлари қалбидан мустаҳкам ўрин олиб бормоқдаки, бунга биз турли мамлакатларда ўтказилаёт-



Ўзбек миллий курашида қўлланиладиган «ҳалол», «ёнбош», «кураш» каби сўзлар жаҳоннинг барча тилларида бирдек жаранглайди.

ган кураш бўйича нуфузли мусобақалар, қитъа ва жаҳон чемпионатларини кўриб ҳам англаяпмиз.

Этиборли томони шундаки, юқорида айтилганидек, мардлик, жасурлик, ҳалоллик, ор-номус ва ватанпарварликни тараннум қиладиган кураш мусобақалари дунёнинг қаеридан ўтказилишидан, қайси миллат вакили томонидан бошқарилишидан қатъий назар, жараён ўзбек тилида бошқарилади. Бошқача айтганда, кураш атамалари ҳисобланган «Кураш!» — беллашувни бошлашга ундаш; «Тўхта!» — беллашувни вақтинча тўхтатиш; «Танбеҳ!» — томонларнинг суст ҳаракатига огоҳлантириш бериш; «Якта!» — томонларнинг либосларини тўғрилаб олишларига ишора каби даъват қилувчи, ундовчи, буюрувчи атамалар, шунингдек, жараённи баҳолаб боришда ишлатиладиган «Ҳалол!» (соф ғалаба), «Ёнбош!» (ярим ғалаба), «Чала!» (кичик устунлик), «Бекор!» (ҳаракатдан тўхташ) каби ўндан ортиқ атамаларнинг барчаси соф ўзбекча сўзлардир. Бу ўзбек миллатига мансуб ҳар бир кишида ғурур, ифтихор туйғуларини пайдо қилмай қўймайди, албатта. Фикрларимизни юқорида бир-

гина спорт тури — кураш терминлари мисолидагина баён қилишга ҳаракат қилдик. Масалани бу нуқтаи назардан ўрганиш келгусида нафақат спорт турлари, қолаверса, турли соҳалар — касблар мисолида ҳам тадқиқ қилиш мутахассислар олдида турган долзарб ва ўз ечимини кутаётган мавзулардан бири бўлиб қолади.

Демак, оташин шоиримиз Аваз Ўтар таъкидлаганидек, «Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур, Тил воситаи робитаи оламиниендур» экан, спорт ҳам, ўз ўрнида, ундаги атамалар ҳам, қайси тилда бўлишидан қатъий назар, барча халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи, дўстликни, эзгуликни тараннум этувчи, кўприк вазифасини ўтовчи восита сифатида баралла жаранглайверади.

**Анвар ОМОНТУРДИЕВ,**  
**ТерДУ ўзбек тилшунослиги**  
**кафедраси мудири,**  
**филология фанлари доктори.**  
**Абдулла ХУДОЙКУЛОВ,**  
**инглиз филологияси**  
**кафедраси мудири.**  
**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,**  
**ЎзМУ талабаси.**



# Она тилим — жону дилим



**Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, шубҳасиз, халқимизнинг улкан тарихий, маънавий ютуғидир.**

Ҳар йили 21 октябрь «Давлат тили тўғрисида» қонун қабул қилинган кун арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тил байрамлари, адабий-бадий кечалар ўтказилиши анъана тусига кирган. Жорий йилда ҳам Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ана шу сана муносабати билан қатор учрашув ва тадбирлар ўтказилди. «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган «Тил — тараққиёт омили» мавзудаги давра суҳбатига тўпланган мутахассислар, ижодкор ўқувчи-ёшлар она тилимизнинг ҳозирги

мавқеи, истиқболи ҳақида ўзгача завқ шавқ билан гапиришди. Шу куни Ўрта Чирчиқ туманидаги 52-мактаб тадбир қатнашчиларини ўз бағрига жамулжам этди.

— Ҳозир бир неча тилни кунт билан ўрганишман. Инглиз тилини чуқур ўрганиш учун барча имкониятлар бор. Тил билган одам асло ютқазмайди. Аммо шунинг унутмаслигимиз лозимки, ўзимизнинг она тилимизни кўз қорачигимиздек асрашимиз, унинг беғуборлиги ва софлиги учун биргаликда интилишимиз зарур. Зеро, она тилига меҳр қўйган ҳар бир инсон ўз юртини, Ватанини ҳам жон-дилидан сева олади, — дейди мактаб-

нинг 8-синф ўқувчиси Гулриано.

— Она тилимизнинг гўзал жиҳатларидан доимо завқ оламиз, — дейди 7-синф ўқувчиси Беҳзодбек. — Энг яхши асарлар, улғу аждодларимиз томонидан ёзилган кўплаб битиклар тилимиз орқали ифода этилгани бизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Қувонарлиси шуки, мактабимизда рус, корейс, қозоқ ва бошқа миллатга мансуб тенгдошларимиз ҳам ўзбек тилини меҳр ва иштиёқ билан ўрганмоқдалар.

Тадбирда мутахассисларнинг чиқишлари ёшларнинг тилга бўлган қизиқишини янада орттирди.

— Ёшларимиз ўзбек мумтоз адабиётини бугун қай даражада билади? — дейди тадбирда сўз олган Республика маънавият-тарғибот маркази бўлим

мудир Зиёда Гаффорова. — Афсуски, кўпгина ёшлар ўзбек мумтоз шеърининг, хусусан, Навоий ғазалларини тушунмасдан ёд олади. Шунинг учун бу борада мактаблардаги она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари эътиборли бўлишлари керак.

Шундан сўнг нотик ўқувчилар Навоий ғазалларидан намуналар ўқиди ҳамда ўқилган ғазалларнинг маъносини шарҳлади. Чиндан-да Навоий ижоди, унинг асарлари улкан бир уммон. Унинг бағрига чуқурроқ шўнғиган сайин тилимизнинг ранго-ранг олами, дуру жавоҳирлари олмосдек товланиб бораверади, ундан чексиз маънавий завқ оласиз.

Тадбирда ёшларимиз қалбида она тилига бўлган ҳурматни ошириш, унинг моҳиятини ёшлар орасида янада тарғиб қилиш ҳамда ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш мақсадида Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан жойларда, таълим муассасаларида турли давра суҳбатлари, учрашувлар, семинарлар, иншо ва расмлар танловлари ўтказилганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан Тошкент вилоятида бўлиб ўтган тадбирларда ўқитувчи ва ўқувчилар, турли миллат вакиллари фаол иштирок этди. Ушбу йўналиш бўйича ўтказилган тадбирларда, иншо ва расмлар танловларда фаол иштирок этган ёшлар «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

**Ашурали БОЙМУРОД,  
«Turkiston» мухбири**

## Ҳар сўзнинг ўз таровати бор

**Тилшунос олимларнинг ҳисоблашларича, ўзбек тилидаги сўзларнинг сони 150 мингдан ошади. Бу она тилимизнинг 150 минг жилоси, 150 минг дуру гавҳари, 150 минг мўъжизаси деганидир. Ҳар бир сўзнинг ўз қалби, таровати, ифори бор, дейишади билгичлар. Буларнинг бари она тилимиз қудрати, жозибаси, фусункорлигидан дарак беради.**

Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида «Тил,


тараққиёт ва маънавият» мавзуда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда она тилимизни асраб-авайлаш, ҳурмат қилиш, авлодларга унинг ана шу қудрат ва жозибасини сақлаган ҳолда етказиш каби мавзуларда сўз борди.

**Тил — millat ko'zgi**

— Она тилимизда яратилган юксак савиядаги бадий асарлар неча минг йиллар наридан садо бериб турибди, — деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. Шундай дея адиб бундан қарийб минг йиллар аввал яшаб ижод қилган Атойи, Хоразмий, Лутфий сингари мумтоз шоирларимизнинг ижодидан мисоллар келтирди.

Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Маҳмуд Тоир, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қаҳрамон Куронбоев ва бошқа маърузчиларнинг чиқишлари ҳам йиғилганларга манзур бўлди.

**Элмурод НИШОНОВ,  
«Turkiston» мухбири**



## Хавфсизликда етакчилар

Халқаро Пулитцер маркази дунёда автомобиль йўлларининг хавфсизлик даражаси бўйича йиллик тадқиқот ўтказди.

Унда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг хавфсиз йўлларга эга деб топилди. Мазкур нодавлат-нотижорат ташкилотининг ҳисоб-китобига кўра, йўл транспортга алоқадор бахтсиз ҳодисалар натижасида ўлим ҳолати ҳар юз минг кишига Қозғистонда 21,9, Қирғизистонда 19,2 ва Тожикистонда 18,1 кишига тўғри келган. Йўллари энг хавфли мамлакатлар сирасига Венесуэла, Нигерия, Эрон каби мамлакатлар киради.

## Ширин байрам

Украина пойтахти Киев шаҳрида пишлоқ байрами бўлиб ўтди. Унда сўт маҳсулотларидан ширинлик тайёрлаш мусобақаси ўтказилиб, танловда оғирлиги нақ 140 килограмм келадиган энг катта ширинлик тайёрланди. Бунда учта фабрика ишчилари ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Пишириқ учун 150 килограмм пишлоқ, 750 дона тухум ва 45 килограмм узум керак бўлди. Миллий пишлоқ байрами муносабати билан ўтказилган ушбу мусобақада энг катта пишириқ катталарга юз гривнадан сотилган бўлса, барча мактаб ўқувчиларига текин улашилди.

## Бундайлардан асрасин

Хитойлик ёш ота-она iPhone телефони учун ўз фарзандини сотди. Айни кунда Шанхай прокуратураси томонидан ўз қизини сотган ота-онага нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Маълумотларга қараганда, доимий ишсиз бўлган ёш оила соҳиблари бола ҳали туғилмасидан уни сотишлари ҳақидаги маълумотни интернетга жойлаштирганлар. Улар талабгорлар орасидан энг кўп пул таклиф қилганини танлашди. Эллик минг юанга болани сотган ота-она пулга iPhone телефони ва қимматбаҳо кийимлар харид қилган. Тергов жараёнида ота-она ўзларини оқлаш учун фарзандининг келажақда яхши ҳаёт кечиришини хоҳлашганини айтган. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили хитойлик ўн етти яшар ўсмир iPhone ва iPad учун буйрагини сотган эди.

## Поезд ҳалокати

Покистонда йўловчи поезде портлаб кетди. Натижада, етти нафар йўловчи ҳалок бўлди, ўн олти нафари эса жароҳатланди.

Жароҳатланганлардан аксариятининг аҳоли оғир. Панжобдан Белужистон провинциясига қараб ҳаракатланган «Jaffar Express» поезде Носирободга келганда портлаган. Бир неча вагон темир издан чиқиб кетган. Мазкур воқеа сабабли Покистонда темир йўл ҳаракати маълум муддатга тўхтаб қолди. Ҳукумат вакиллари вафот этганларнинг оиласидан узр сўради.

**Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**



# «Кичкина деманг бизни!»

Кечагина улар кичкина болакайлар эди. Бугун ўзбекистонлик миллионлаб мухлисларнинг нигоҳини ўзига қаратган умидли йигитлар улар. Ҳа, Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси номига «ўсмирлар» жамоаси. Аслида, улар ҳаммаси катта йигитлар. Уларнинг жаҳон чемпионатида кўрсатаётган ўйини шундай дейишимизга тўла асос беради.

Футбол бўйича Бирлашган Араб Амирликларида давом этаётган ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этаётган терма жамоамиз 21 октябрь куни марокашлик тенгдошларига қарши майдонга тушди.

Эсингиздами, шимолий африкалик ўсмирлар биринчи турда европалик (Хорватия ўсмирлар терма жамоаси) тенгдошларини қандай мағлуб этган эди? Ишончли ўйин ва чиройли ҳисобда енган эди — 3:1. Ўз навбатида ҳамюртларимизнинг ҳам Панама ўсмирлар тер-

ма жамоасини шундай тарзда мағлуб этганидан хабарингиз бор. Шу боис бўлса керак, гуруҳ пешқадамлари ўртасидаги учрашувни кўпчилик орзиқиб кутди.

Ўйинда, очигини айтиш керак, Марокаш ўсмирлар терма жамоаси кўпроқ хужум қилгандек, гол уриш учун кўпроқ имкониятга эга бўлгандек кўринди. Бироқ ўйинни ташкил этиш, ҳимояланишда ўзбекистонлик футболчилар ҳам чакки эмасликларини намойиш эта олишди. Шундай қизиқарли, ҳаяжонга бой ўйинга, афсуски, гол етишмадида! Шундай бўлса-да, Ўзбе-



кистон ўсмирлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатида кейинги босқичга чиқиш имконияти яна ҳам яхшиланди. Панама 2:0 ҳисобига енган ва Марокаш билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси

ҳисобида 4 очко мавжуд. Марокаш ҳисобида ҳам шунча очко бор ва бу икки терма жамоа гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб турибди.

**Элмурод НИШОНОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## Марказий Осиёда етакчи

Душанбеда ўтказилган Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) президенти Кирсан Илломжинов соврини учун Марказий Осиё кубогида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақада юртимиз шарафини ўн бир нафар шахматчи ҳимоя қилди. Эркаклар ўртасида Жаҳонгир Воҳидов етти очко билан шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилган бўлса, фахрийлар ўртасида Ўзбекистон аёллар терма жамоаси мураббийи Владимир Егин юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони Сарвиноз Курбонбоевага тенг келадигани топилмади. Шунингдек, FIDE устаси Темур Игонин, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова ва Ирина Геворгян ҳам турнирда совриндорлар қаторидан жой олди.

## Теннисчимиз ғалабаси

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомина Москвада бўлган «Кремль кубоги» мусобақасининг жуфтлик баҳсларида биринчи ўринни эгаллади.

Теннисчимиз шериги россиялик Михаил Елгин билан ярим финалда Рамиз Жунаид (Австралия) ва Филипп Маркс (Германия) дуэтини 5-7, 6-3, 10-5 ҳисобида енгди. Финалда эса улар Буюк Британиялик Кен ва Нил Скупсиларга қарши қортга тушдилар. Учрашув 6-2, 1-6, 14-12 ҳисобида Денис Истомина ва Михаил Елгин фойдасига ҳал бўлди.

## Иродали ғалаба

Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича «Berlin Masters — 2013» халқаро гран-присида Ўзбекистон терма жамоаси вакили Жамила Раҳматова кумуш медалга сазовор бўлди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан қатнашган спортчилар орасидан беларуслик Мария Кадобина бронза медалга лойиқ кўрилган бўлса, болгариялик Силвия Митева биринчи ўринни эгаллади. Ҳамюртимиз 16,9 балл билан иккинчи ўридан жой олди.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,**  
«Turkiston» мухбири



Эрталаб ишга кетаётиб, бир кишининг йўл четидидаги почта қутисига хат ташлаётганига кўзим тушди.

Бундай қутиларга ҳозир ҳам хат ташласа бўладими? Почта хизматлари бўлимлари томонидан ҳалиям хатлар шундай қутилардан олинadими?

**Мурод, Тошкент шаҳри.**

**Саволга «Тошкентпочта»нинг ишлаб чиқариш гуруҳи етакчи муҳандиси Азиза Исаева жавоб беради:**

— Ахборот технологияларининг ривожланиб бораётгани сабабли сўнгги пайтларда кўпгина ёзишмалар интер-

нет, факс орқали узатилмоқда. Бироқ ташкилотлар, фуқароларнинг ёзишмалари почта қутиларига ташланса, улар ҳам қисқа фурсатда юборилган манзилларига етказилади.

Тошкент шаҳрида айна пайтда уч юзта почта қутиси мавжуд. Бу

1 savolga 1 javob

кутиларга ташланган хатлар ҳар куни икки марта, шанба кунлари эса, бир марта олинади. Ташкилотлар, почта бўлимлари олдида ўрнатилган почта қутиларидан ҳамон фойдаланилмоқда. Эрталаб шошиб ишга кетаётганлар йўл устида ўрнатилган шундай қутиларга хатларини ташлашлари мумкин. Бунинг учун олдиндан конверт ва марка сотиб олинган бўлиши керак.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА**  
тайёрлади

→	↘	↘	↘	↘	Тираж, адад	Шлако-... (бетон гишт)	↘	Лақма, гул	↘↗		↘	Тахлил (русча)	
Оху, кийик		Ойликдан улуш, бунак		Ўрама пиширик	↗			Семестр якуни		Сўров варақаси	Китъа номи	Кўшиқлар паради	Ўсма касаллиги
→					Услуг, йул-йўриқ	Шаршара, Венесуэла	→	↘		Тоғ кўйи, алқор	→	↘	↘
Олий ... (парламент)		Асбоб-...		Муз устидаги спорт	→		↗			(«Матрица»)	Жамият бўлаги	→	
Амударё қадимги номи	→	↘		↗	Кафолатчи		↗	Об-ҳаво кузатувчиси	→	↘			
↘	24 соат		Улкан сув жонивори		Садо, товуш	→				Кимёвий унсур	Санъат тури	Мутлоқ оғир ... ли боксчи	Қиш улови
	Эквадор пойтахти	→	↘	↘	Идора, маҳкама		↗	Ис, бўй	→	↘	↘	Шаҳар (Хиндистон)	Шаҳматдаги ҳолат
↗				Дарё, Хитой	↗		↗			Калта-кесак тури	↘	↘	↘
Кўйлак қисми	Стол-...	↗			Республика худудий бўлими	Шуур, идрок		Ички аъзо	→				
↘			Хайқирик	Зар қадрини ... билар	→					...-Клаус (Кор-бобо)	→		

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов